O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG’ONA VILOYATI
YOZYOVON TUMAN
HOKIMI
QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
ЁЗЁВОН ТУМАН
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

150600, Yozyovon shaharchasi Mustaqillik ko’chasi tel.: 412-15-18; 412-13-20

150600, Ёзёвон шахарчаси Мустакиллик кучаси тел. : 412-15-18 ; 412-13-20

“22” август 2019 йил. № 2832 **Ёзёвон шахарчаси**

Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш тўғрисида

Ёзёвон туман халқ таълими бўлимининг 2019 йил 22 июлдаги “Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида”ги 01/190-сонли мурожаатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-боб, 39- банди ва маҳаллий давлат хокимияти тўғрисидаги Қонуннинг 6,25- моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Ёзёвон туман халқ таълими бўлимининг 2019 йил 22 июль кунидаги “Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида”ги 01/190-сонли мурожаати маъқуллансин.

2. Туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасаларига худуд ва микрохудудларга бириктириш жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Марказий Фарғона” газетаси тахририяти (А.Худойқулов) туман Алоқа бўлими бошлиғи (М.Болқонова) билан биргаликда мазкур қарор расмий эълон қилиниши билан оммавий ва веб-сайтларда кенг жамоатчиликка етказиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари М.Хатамовга ҳамда туман халқ таълими бўлими мудири Ф.Юлдашевлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: **Й.Бойигитов**

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG’ONA VILOYATI YOZYOVON TUMAN HOKIMLIGI
BAYON QISMI